

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 610

Фарғона шаҳри

2022 йил “5” Декабр

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Х.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Фарғона Файз Таъмир» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари М.Алимов иккинчи томондан “Учкўприк тумани Султон МФЙдаги 60-сонли оиласий поликлиника биносини жорий таъмирлаш” обьектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Тарифлар

1.1 Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

Ижро хужжатлари; қурилиш майдони, вактинчалик иншоотлар; беркитиладиган ишлар; шартнома нархини бўлиб чиқиш (ишларни бажриш ва молиялаштириш жадваллари).

## 2. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартномага асосан “Учкўприк тумани Султон МФЙдаги 60-сонли оиласий поликлиника биносини жорий таъмирлаш” обьектида лойиҳа-сметада белгиланган ишларини бажриш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажриш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 3. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Танлов комиссиясининг 2022 йил 30 ноябрь кунги, 194361-лот бўйича баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиги ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 949 000 000 (тўқиз юз кирқ тўқкиз миллион) сўмни ва обьектда ишларни бажарилиши 45 кунни ташкил этади ҳамда обьект 2023 йил “19” Январ куни фойдаланишга топширилади.

## 4. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажриш учун:

-барча ишларни шартнома ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажриш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажаради ҳамда обьектни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириади;

-ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## 5. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: -мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун обьектни ишлар тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; -ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 6. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. Вилоят Молия бошкармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 284 700 000 (икки юз саксон тўрт миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

6.2. Жорий молиялаштириш вилоят ҳокимининг фармойишига асосан вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажартилиб,

объектнинг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, тегишли ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% миқдорида амалга оширилади. Бюджетдан маблағ ажратилмаган ҳолда, Буюртмачи тўловларни амалга оширганлиги учун мулкий жавобгар бўлмайди.

## 7.Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакили-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва муддати устидан техник назоратни амалга оширади.

## 8.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари ва ҳукумат қарори қабул қилиниши натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига қўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 9.Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди;

9.2 Пудратчи:-барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-ложиҳа ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг ложиҳа ҳужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

-объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.3. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектини қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.4. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у ҳолда аниқланган камчиликлар оқибатида етказилган зарар суд орқали Пудратчидан ундириб олинади ва Пудратчи белгиланган тартибида “Инсофез ижрочиларнинг ягона реестри”га киритилиб, келгусида тендер ва танлов савдоларида қатнашиш ҳукуқидан маҳрум этилади.

9.5. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судларга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## 10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордor Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларидаги ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объектнинг махсус ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан

ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 100 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

10.5 Вилоят ҳокимининг объектга маблаг ажратилиши юзасидан фармойиши кечиканлиги учун буюртмачи тўловларни амалга ошиrolмагандага пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар хам хисобланмайди.

## 11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низоли масалалар конун хужжатларида белгиланган тартибда Фаргона туманлараро иктиносидий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди ва шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

### Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### “Пудратчи”

“Фарғона Файз Таъмир” МЧЖ

Манзил: Марғилон шаҳар, Оролбўйи кўчаси  
60-үй

х/р: 20208000700283723001

Банк номи: “Қишлоққурилишбанк” Фарғона  
БХО

Тел: 90-635-07-00

МФО: 01037

СТИР: 302825538

Рахбар: \_\_\_\_\_ М.Алимов



#### “Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирйўл к. 37 ўй

Тел./факс: 224-52-24

ШФХ: 401422860302817083101054001

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Газначилик бошкармаси  
ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00014 Газначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Рахбар: \_\_\_\_\_ X.А.Долимов



Хуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўтасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт \_\_\_\_\_ М.М.Маматқулов

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

Фарғона вилояти Учкупприк тумани Султон МФЙ 60-сонли оилавий поликлиникасини жорий таъмирлаш объекти

№	Иш турлари	Шартнома киймати	2022 йил												
			I-чорак	II-чорак	III-чорак	IV-чорак	Март	апрель	май	июнь	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	РЕМОНТНО-СТРОИТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ	949,000													949,000
	Жами КМИ	949,000													949,000



Бош пудратчи:



Бујортмаачи: